

## КОСОНСОЙ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИК РЕСУРСЛАРИ

Акбаров Зафар Хошимжонович  
НамДУ докторанти

Наманган вилоятининг шимолий қисмида денгиз сатҳидан 790 м баландликда Қоратов тоғи этакларидан Наманган шаҳрига қадар (32 км) вертикал йўналишда жойлашган. Жанубда Наманган шаҳри, шарқда Янгиқўрғон тумани, жануби-ғарбда Чуст тумани, шимол ва ғарбда Қирғизистон Республикасининг Ола-Буқа тумани билан чегараланади. Майдони 0,51 минг км<sup>2</sup> (вилоят ҳудудининг 6,85%).

Туман ҳудуди тоғли раёнлар зонасига киради. Косонсой ва унинг ирмоқлари оқиб ўтган Қоратов, Муғ, Кўкумбой қирлари, Дам, Испоран, Ёйиқ, Қисик, Қоранкўл, Сарсон ва Ертикан, Бўстон адирлари бор. Туман ҳудудининг қарийб 1/3 қисми адир. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача температура 12°, минимал температура — 14°, максимал температура 39—4Г. Вегетация даври 219 кун. Йиллик ўртача ёғин 315 мм. Туман иқлимининг шаклланишида шимолидан келадиган Арктика ҳаво оқими, Марказий Осиё ҳудудида ҳосил бўладиган мўътадил қуруқ ҳаво ва жанубидан ҳаракатланувчи тропик ҳаво оқимлари иштирок этади. Туман ҳудудидан Косонсойнинг қарийб 40 км қисми ҳамда Чуст (16 км), Тешиктош (41 км), Кўкумбой (12 км) каналлари ўтган. Улардан суғоришда фойдаланилади. Косонсой (Ўртатўқай), Қорасув, Ертикан сув омборлари қурилган. Тупроғи, асосан, бўз тупроқ, шимолий қисмида қисман кўнғир ва тоғ олди тупроқлари. Дарё водийларида жийда, тол, терак, туранғил, юлғун, оқтикан, маймунжон ва босққа ўсади. Тоғларда дўлана, сирач, pista, ёнғоқ, наъматак, арча, лола, гулбарра, равоч, қир ва адирларда шувок, шўра, янтоқ, қўйтикан, текислик жойларда курмак, қамиш, ажриқ, ариқ бўйларида эса ялпиз учрайди.

Бугунги кунда дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида доривор, озиқ-овқатбоп ва ҳушбўй-зиравор ўсимликлар хом ашёси хилма-хиллигини кўпайтиришни ҳамда улардан янги табиий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПФ-5041 фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-2966 қарори қабул қилинди[2]. Бу қарорда ўрмон хўжалиги ерларида доривор ўсимликлар парваришланадиган плантациялар майдонини кенгайтириш, асраш-авайлаш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Бу қарор билан танишиб ўрмон хўжалиги ерларидан фойдаланишда асосий вазифа қуйидагилар муҳимлигини кўришимиз мумкин;

- улар манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари етиштириш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, тоғ ёнбағирларида, чўл ва лалми ерларда етиштириладиган, қурқоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш;
- ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, чўлга айланишининг олдини олиш, ихота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Бундай хусусиятларга эга экспортбоп доривор ўсимликларни танлаш, улар хом ашёсига бўлган эҳтиёжларни маҳаллий флорада мавжуд бўлган ёки ўзга ҳудудлар флорасига тегишли интродуцент ўсимликлар ҳисобига қондириш, ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитида етиштиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Косонсой ўрмон хўжалиги ерларида 10 турдан ортиқ доривор ўсимлик ресурслари мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан зубтрум, аччиқ бодом, жағжағ, мойчечак, арслонқуйруқ, тирноқгул, ковул, қизил дўлана, наъматак, ошқовоқ, шафран, топинамбур доривор ўсимликлари етиштириб фармацевтика саноатига катта ҳисса қўшмоқда. Йилдан-йилга доривор ўсимлик маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда.

---

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.10.2018 й. ПҚ-3968-сон "Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041 сон "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5041 сон фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2966-сон Қарори.
3. О.Абдуллаев "Мустақиллик йилларида Наманган вилояти" Наманган 2008.110 бет.
4. Косонсой ўрмон хўжалиги маълумоти.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)